

# ШАХСНИНГ ИНДИВИДУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ



## Режа:

1. Индивидуал – типологик хусусиятлар классификацияси
2. Шахс иқтидори ва қобилиялари
3. Шахснинг темпераменти ва характеристи



Одам ташқи қиёфаси, бўй-басти  
 билан бошқа бирор кимсага  
 ўхشاши мумкин, лекин феъли,  
 мижози ва шахс сифатидаги  
 хусусиятлари нуктаи  
 назаридан айнан бир хил  
 инсонлар бўлмайди.



**Шахс** – қайтарилмас, у ўз сифатлари ва борлиги билан ноёб. Ана шу қайтарилмаслик ва ноёблик асосида унинг индивидуал психологик хусусиятлари мажмуи ётади.

Шу ўринда биз юқорида таъриф берган шахс тушунчаси билан ёнма-ён ишлатиладиган яна икки тушунчага изох беришни ўринли деб хисоблаймиз. Бу “индивидуд” ва “индивидуаллик” тушунчалари.

# Шахс индивидуаллиги:

Кобилиялар

Темперамент

Характер

Иродавий сифат

Эмоция

Хулқига хос мотивация

Ижтимоий кўрсатмалар

**Қобилиятлар** – шахсдаги шундай индивидуал, турғун сифатларки, улар одамнинг турли хил фаолиятдаги кўрсатгичлари, ютуқлари ва қийинчиликлари сабабларини тушунтириб беради.

**Темперамент** – инсоннинг турли вазиятларда нарса, ходиса, холатлар вқа хатти – харакатларига нисбатан реакциясини тушунтириб берувчи хусусиятлар мажмуи.

**Характер** – шахснинг алохида инсон ва инсонлар грухининг ўз-ўзига нисбатан муносабатларидан ортирадиган сифатларини ўз ичига олади.

***Иродавий сифатлар*** – хар биримизнинг олдимиздаги мақсад учун эришиш йўлидаги кийинчиликларни енгишимизни иаъминловчи маълум сифатларимиз мажмуини ўз ичига олади.

***Эмоциялар ва мотивация*** – атрофимизда содир бўлаётган ходисалар, бизни ўраб турган одамлар ва уларнинг хатти – харакатларини рухан қандай қабул қилиб, уларга биладиган хиссий муносабатларимизни билувчи сифатларимиз бўлиб, улар айни вазиятлардаги реал холатимиздан ва уларнинг онгимизда акс этишидан келиб чиқади.

Демак, индивидуал сифатлар онги хаётимизнинг ажралмас қисми, идрокимиз, хотирамиз ва фикрларимиз йўналтирилган мухим предмет экан.

Кимдир жуда чакқон, тез иш қилади, лекин сифатсиз. Кимдир жуда яхши, қойилмақом иш қилади, лекин жуда секин, кимдир ишга юзаки караб, номига уни бажаради. Бошқа бир одам унга бутун вужуди ва эътиқоди билан муносабатда бўлиб, тинимсиз изланади ва жамият учун манфаат келтиради.

Одамларнинг ўқув, меҳнат ва ижодий фаолиятидаги ўзига хосликни тушунтириш учун психология фани биринчи навбатда, қобилиятлар ва иқтидор масаласига мурожаат қиласди.

**Интеллектуал потенциал** эса, бир томондан, хаётдаги барча жараёнларга, иккинчи томондан, шахсга бевосита алоқадор тушунча сифатида қаралган. Унинг ахамияти шундаки, у борлиқни ва бўладиган ходисаларни олдиндан башорат қилишга имкон беради.

Шу ўринда “**интеллект**” сўзининг лугавий маъносини тушуниб олайлик. **Интеллект** – лотинча сўз – intellectus – тушуниш, билиш ва intellectum – ақл сўзлари негизидан пайдо бўлган тушунча бўлиб, у ақл идрокнинг шундай бўлагики, уни ўлчаб, ўзгартириб, ривожлантириб бўлади. Бу интеллект ва у билан боғлиқ қобилиятлар ижтимоий характерга эга эканлигидан дарак беради.

Баъзан ўта иктидор ва қобилиятли бола хақида гап кетса, ундаги бу сифат туғма эканлигига ишора қилишади. Истеъдодли, гениал олим, санъаткор ёки мутахассис хақида гап кетса хам худди шундай. Умуман, қобилиятларнинг тұхма ёки орттирилган экономики масаласи хам олимлар диққат марказида бўлган муаммолардан.

Психологияда туғмалик аломатлари бор индивидуал сифатлар лаёқатлар деб юритилади ва унинг мккм хили фарқланади:

Табиий лаёқат

Ижтимоий лаёқат

Қобиляйтсизлик ва интеллектнинг пастлиги сабабларидан бири шуки, ана шу икки хил лаёқат ўртасида тафовут бўлиши мумкин.

Орттирилган сифати шуки, бола токи билим, кўникумга ва малакаларни ўстириш борасида харакат қилмаса, энг кучли туғма лаёқат хам лаёқатсизлигича қолиб, у иқтидорга айланмайди.

Энг истеъдодли, машхур шахсларнинг энг буюк ишлари, эришилган улкан муваффақиятлари тагида хам қисман лаёқат ва тинимсиз меҳнат, интилиш, ижодкорлик ва билимга чанқоқлик ётади. Шуни хам унутмаслик керакки, қобиляйтсиз одам бўлмайди.

Агар шахс адашиб, ўзидаги хақиқий иқтидор ёки лаёқатни билмай, касб танлаган бўлса, табиийки, у атрофдагиларга лаёқатсиз, қобиляйтсиз кўринади. Лекин аслида нимага унинг қобиляяти борлигини ўз вақтида тўғри аниқлай олишмагани сабабли у бир умр шу тоифага кириб қолади.

*Иқтидор* – инсоннинг ўз  
хатти-харакатлари,  
билимлари,  
имкониятлари,  
малакаларига нисбатан  
субъектив муносабати.

# Иқтидорли инсон хусусиятлари

мардлик

Чидамлилик

Ўз-ўзини  
бошқара олиш

Ташаббускорлик

У ана шундай харакатлари  
билин баъзи ўта  
истеъдодли, лекин кам  
харакат кишилардан кўра  
жамиятга кўпроқ фойда  
келтиради. Иқтидорли  
инсонда истеъдод сохиби  
бўлиш имконияти бор.

**Шахснинг умумий қобилиялари** ундаги шундай индивидуал сифатлар мажмуики, улар одамга бир қанча фаолият сохасида хам муваффакиятли фаолият кўрсатиш ва натижаларга эришишга имкон беради.

**Махсус қобилиялар** эса маълум бир соҳада ютуқларга эришиш, юқори кўрсатгичлар беришга имкон берувчи сифатларни ўз ичига олади.

**Адабий қобилияларга** улардан фарқли, ижодий хаёл ва тафаккур, хотирадаги ёнқин ва кўргазмали образлар, эстетик хислар, тилни мукаммал билишга лаёқат; педагогик қобилияларга эса педагогик одоб, кузатувчанлик, болаларни севиш, билимларни ўзгаларга беришга эхтиёж каби қатор индивидуал хусусиятлар киради. Худди шунга ўхшашиб қолган борча қобилияларни хам зарур чифатлар тизимида тахлил қилиш мумкин ва бу катта тарбиявий ахамиятга эга бўлади.

# Шахсинг индивидуал хусусиятлари

туғма

биологик

Чунки, бир томондан, шахс ижтимоий мавжудот бўлса, икиинчи томондан, биологик яхлитлик, туғма сифатларни ўз ичига олган субстрат – индивид хам. Темперамент ва лаёқатлар индивиднинг динамик ўзгарувчан психик фаолияти жараёнини таъминловчи сифатларини ўз ичига олади. Бу сифатларнинг ахамияти шундаки, улар шахсда онтогенетик тараққиёт жараёнида шаклланадиган бошқа хусусиятларга асос бўлади.

Темперамент хусусиятлари шахснинг ички тузилмаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг намоён бўлиши унинг аниқ вазиятларга муносабатини, экстремал вазиятларда ўзини қандай тутишини белгилаб беради.



Ўзини босиб олган, хаёт қийинчиликларини сабр-бардош билан кўтарадиган инсонни ъодамлар орасидаги обрўси хам юаланд бўлади. Бу унинг ўз-ўзига нисбатан хурматини оширади, ишга, одамларга ва нарсаларга муносабатини такомиллаштириб боришига имкон беради. Темпераментнинг яна бир ахамиятли жихати шундаки, у хаётий воқеалар ва вазиятларни, жамиятдаги ижтимоий груухларни “яхши-ёмон”, “ахамиятли-ахамиятсиз” мезонлари асосида ажратишга имкон беради. Яъни темперамент одамнинг ижтимоий объектларга нисбатан “сезгирилигини” тарбиялайди, профессионал маҳорат ва касб малакасининг ошиб боришига ёрдам беради.

**Сангвиник**

**Флегматик**


**Темперамент турлари:**

**Холерик**

**Меланхолик**



Кундалик хәётимизда “**характер**” сўзи кўп ишлатиладиган сўзлардан. Уни биз доимо бирорларга баҳо бермоқчи бўлсак, ишлатамиз. Бу сўзнинг маъносини олимлар “**босилган тамға**” деб хам изохлашади.



**Характер** – шахсдаги шундай психологик, субъектив муносабатлар мажмуики, улар унинг борлиққа, одамларга, предметли фаолиятга хамда ўз-ўзига муносабатини ифодалайди. Демак, “**муносабат**” тушунчаси характерни тушунтиришда асосий хисобланади.

# **Характернинг икки компоненти:**

**Эмоционал-когнитив** – борлиқ мухитнинг турли томонларини шахс қандай эмоционал хис қилиши ва ўзида шу оламнинг эмоционал манзарасини яратиши

**Мотивацион-иродавий** – маълум характерлар ва хулқни амалга оширишга ундовчи кучлар. Демак, бизнинг маълум маъно ва мазмун касб этган муносабатларимиз бўлиб, уларнинг хар бирида бизнинг хиссий кечинмаларимиз акс этади хамда характеримиз намоён бўлади.

Машхур рус олими, психология фани методологиясини яратган С.Л.Рубинштейн шахснинг ўзига хослиги ва методологик тизимда учта асосий тузилмани ажратган эди:

1. муносабатлар ва йўналиш шахсдаги асосий кўринишлар сифатида – бу шахснинг хаётдан нима кутиши ва нимани хохлаши.
2. Қобилияtlар ана шу тилак-истакларни амалга ошириш имконияти сифатида – бу одамнинг нималарга қодир эканлиги.
3. Характер имкониятларидан фойдаланиш, уларни кенгайтиришга қаратилган турғун, барқарор тенденциялар, яъни бу одамнинг ким эканлиги.

# Психологияда характернинг қуидаги тизими эътироф этилади:

- Мехнат фаолиятида намоён бўладиган хулқ-автор хусусиятлар – мехнатсеварлик, мехнаткашлик, ташаббускорлик, ишга лаёкат, ишга қобиллик, маъсулият, дангасалик, қўнимсизлик ва бошқалар.
- Инсонпарварга нисбатан бўлган муносабатларда намоён бўладиган сифатлар – одобилик, меҳрибонлик, жонсараклик, дилгирилик, мулоқотга киришувчанлик, альтруизм, ғамхўрлик, раҳм-шафқат ва бошқалар
- Ўз-ўзига муносабатга алоқадор характерга оид сифатлар – камтарлик, камсуқумлик, мағрурлик, ўзига бино қўйиш, ўз-ўзини танқид, ибо, шарму хаё, манмансираш ва бошқалар.
- Нарсалар ва ходисаларга муносабатларда намоён бўладиган хусусиятлар тартиблик, оқиллик, саранжом-саришталик, қўли очиқлик, зиқналик, тежамкорлик, покизалик ва бошқалар.

Характер хусусиятларининг нималарда намоён бўлиши, уларнинг белгилари масаласи хам амалий жихатдан муҳим.

Энг аввало, характер инсоннинг хатти-харакатлари ва амалларида намоён бўлади. Одамнинг онгли ва максадга қаратилган харакатлари унинг ким эканлигидан дарак беради.

Нутқнинг хусусиятлари (баланд товуш билан ёки секин гапириши, тез ёки босиқлиги, эмоционал бой ёки жонсиз) хам характернинг йўналишини белгилайди.

Ташки қиёфа – юзининг очиқ ёки тунд эканлиги, кўзларининг самимий ёки жохиллиги, қадам босишлари – тез ёки босик, майда қадам ёки салобатли туриши, викорли ёки камтарона – буларнинг хаммаси характерни ташқаридан кузатиб ўрганиш белгилари.

Бундан ташқари, илм оламида жуда кўплаб уринишлар бўлган. Уларда одамнинг турли табиий, туғма хусусиятларига характерни боғлашга уринишлар бўлган.